



2020 yil “12” may

№700

Ўзбекистон тумани 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 20.3 км.да А.Жомий кўчаси билан кесишган чорраҳага светофор ўрнатиш ва 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 19.7 км.га пиёдалар ўтиш жойи чизиш (1.14.1) ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақида


Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)нинг 5,7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 59-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 59-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инобатга олинсин;
2. 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 20.3 км.да А.Жомий кўчаси билан кесишган чорраҳага светофор ўрнатишга ва 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 19.7 км.га пиёдалар ўтиш жойи чизиш (1.14.1) ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этилсин;
3. “Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК директори **Б.Рахмонов**га: 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 20.3 км.да А.Жомий кўчаси билан кесишган чорраҳага светофор ўрнатиш ва 4р-154 “Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 19.7 км.га (“Ермулккадастр” корхонаси рўпарасига) пиёдалар ўтиш жойи чизиш (1.14.1) ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази;
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



 К. Джураев